

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2012 йил 26 декабрдаги 507- сонли  
буйруғи билан тасдиқланган

**ГУМАНИТАР ФАНЛАР**

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари  
умумқасбий ва махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш  
йўналишининг ўқув дастури

(гуманитар фанларининг барча мутахассисликлари учун)

Тошкент – 2012

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2012 йил 28 декабрдаги 4-сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: ЎзМУ профессор-ўқитувчилари: соц.ф.д., проф. И.Эргашев, п.ф.д., проф. У.Ш.Бегимкулов, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, т.ф.д., проф. Ш.Ш.Шаропов, п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев.  
БухДУ профессори, и.ф.д. Б.Н.Наврўззода.  
ТДПУ профессор-ўқитувчилари: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, пс.ф.н., доц. Х.М.Алимов, п.ф.д., проф. Ш.Шодмонова, п.ф.н., проф. Р.Г.Исянов.

Такризчилар: ЎзДЖТУ профессори, п.ф.д. А.Мусурмонова,  
ЎзМУ профессори ф.ф.д. Б.Менглиев

Ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2012 йил 26 декабрдаги 7-сонли баённома).

## Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг тахлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллаш олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

### **Умумий тайёргарлик модули:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- Таълим сифати менежменти.

### **Умумкасбий тайёргарлик модули:**

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

### **Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари

- Шахсинг маънавий камолотини таъминлашда гуманитар фанларнинг ўрни
- Гуманитар фанлар ўқитувчисининг шахсий ахборот майдонини лойиҳалаш

#### **Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

#### **Танлов фанлари модули.**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари “Ижтимоий-гуманитар фанлар” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Ижтимоий-гуманитар фанлар” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар:**

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари жараёнлари қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;

- ижтимоий-гуманитар фанларнинг сўнгги ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- Ижтимоий-гуманитар фанлар диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан

фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

## **«Ижтимоий-гуманитар фанлар» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни**

### **I. Умумий тайёргарлик модули**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига ва таълим–тарбия масалалари**

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти эканлиги. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

#### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

### **1.3. Таълим сифати менежменти.**

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битирувчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

## **II. Умумқасбий тайёргарлик модули**

### **2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.**

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

### **2.2. Электрон педагогика асослари.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари,

ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

### **2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

### **2.4. Амалий хорижий тил**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш



вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни раво ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

### **III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

#### **3.1. Гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**

Гуманитар фанларнинг илмий-назарий методологик асослари. Педагогик-психологик қарашлар тизимида оид жараён ва ҳодисаларни англаш. Таълим ва тарбиянинг мақсади, мазмуни, сифати, шакли, методи, воситалари, тамойиллари, шарт-шароитлари ҳамда жараённи тавсифлаш. Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Олий таълим тизимида педагогик кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш.

#### **3.2. Шахснинг маънавий камолотини таъминлашда гуманитар фанларнинг ўрни**

Юксак маънавият – енгилмас куч, юксак маънавият мезонлари, диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш, классик адабиёт ва санъат асарларини ўрганиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ислохотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, шахснинг ахлоқий фазилатлари, глобаллашув даврида миллий ўзликни, миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғусини сақлаш, замонавий ўзбек ёшлари ва замон талаблари, юксак маънавиятли шахс – давлат таянчи, шахснинг маънавий камолотини таъминлаш муаммолари, маънавий оламнинг барқарор ва мустақамлиги учун зарур бўладган асосий омиллар кўлами, уларнинг мазмунини ёритиб бериш.

#### **3.3. Гуманитар фанлар ўқитувчисининг шахсий ахборот майдонини лойиҳалаш**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация технологиялари. Таълим муассасасининг ахборот майдони. Компьютердан фойдаланган ҳолда педагогнинг иш жойини ташкил этиш. Педагогнинг шахсий ахборот майдонини ташкил этиш. Операцион тизимнинг график интерфейсига кириш (Microsoft Windows мисолида). Лойиҳа топшириғи: Педагогнинг шахсий ахборот майдонини лойиҳалаш. Ахборот технологиялари воситасида методик материалларни тайёрлаш асослари. Матн процессори воситасида методик материалларни тайёрлаш усуллари (Microsoft Word мисолида). Лойиҳа топшириғи: Microsoft Word дастурида ўқув-методик материалларни тайёрлаш усуллари: тезис, мақола, эсселар. Электрон жадваллар ёрдамида ўқув-методик материаллар тайёрлаш усуллари (Microsoft Excel мисолида). Лойиҳа топшириғи: ўқув-методик материалларни яратишда қўлланиладиган

дастурлар. Презентациялар тайёрлаш усуллари (Microsoft PowerPoint мисолида). Лойиҳа топшириғи: ўқув жараёнида фойдаланиш учун презентациялар тайёрлаш (ўқитувчининг методик материаллари асосида). Интернетда ва тармоқда педагогларнинг жамоа бўлиб ишлашни ўрганиш. Интернет тармоғини ташкил этиш асослари. Интернет тармоғининг асосий хизматлари, интернет таълим ресурслари, педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги. Ахборот технологиялари воситасида методик портфолиони шакллантириш. Методик портфолионинг кўриниши: нашр, презентация, аудио-, фото-, видеоматериаллар. Лойиҳа топшириғи: портфолионинг методик материаллар мажмуасини шакллантириш. Ziyonet.uz, pedagog.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Web-интерфейс методик ахборотларни тармоқда жойлаштиришнинг универсал воситаси сифатида. “Ўқитувчи портфолиоси” сайтини яратишнинг технологик асослари. Амалиёт: “Ўқитувчи портфолиоси” сайтини ишлаб чиқиш.

#### **IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

##### **4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.**

Олий таълим тизимида мутахассислик фанларини ўқитишнинг норматив таъминоти (ДТСда йўналишлар ва мутахассислар тайёрлашга қўйилган умумий талаблар, ўқув режа, фан дастурлари ва уларга қўйилган талаблар). Йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича фанларнинг услубий таъминоти (дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланма, методик кўрсатма, ўқув-услубий мажмуаларга қўйиладиган умумий талаблар). Ўқув машғулотларини техник таъминоти ва улар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

##### **4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.**

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

#### **V. Танлов фанлари модули**

Гуманитар фанлар соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

## **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари, шахснинг маънавий камолотини таъминлашда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни, ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчисининг шахсий ахборот майдонини лойиҳалаш мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).

- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).

- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.

- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.

- Даражали тестлар банкини яратиш.

- Кейслар банкини яратиш.

- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;

- кириш;

- асосий қисм;

- хулоса;

- фойдаланган адабиётлар рўйхати;

- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;

- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;

- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;

- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;

- касбий педагогика муаммолари;

- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутоала қилиш;

- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;  
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;

- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:**

- Кадрлар тайёрлаш миллий модели.
- Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
- Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви.
- Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишни лойиҳалаш.
- Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
- Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намоиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари.
- Эксперт-ўргатувчи тизимлар, автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар, фойдаланувчи ва педагогик-дастурий воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш методлари.
- Педагогик-дастурий воситалар яратиш тамойиллари.
- Педагогик дастурий воситаларда ўқув фаолиятини бошқариш.
- Талабаларда эркин фикрлашни шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик аҳамияти.
- таълим тарбия ва ақлий тараққиёт.
- баркамол шахсни тарбиялаш методлари ва йщналишлари.
- талабаларнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришда ўқув-тарбия жараёни имкониятларидан фойдаланиш.
- Таълим жараёни ягона педагогик тизим сифатида. Таълим тамойиллари.
  - Гуманитар фанларни ривожланиш жараёнлари
  - Гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида инновация.
  - Гуманитар фанларни ўрганишда ўқув-услубий мажмуаларнинг ўрни
  - Гуманитар фанларни ўқитишни ташкил этиш шакллари.
  - Гуманитар фанларни ўқитишда кейс-стади технологияларидан фойдаланиш
  - Гуманитар фанларини ўқитишда лойиҳалаш услубини тадбиқ этиш

- Гуманитар фанларни ҳамкорликда ўқитиш технологиясидан фойдаланиш.
- Гуманитар фанларни ўқитишда интерфаол таълим услубини тадбиқ этиш
- Гуманитар фанларни ўқитишда амалий ўйин услубидан фойдаланиш
- Гуманитар фанларни ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш
- Гуманитар фанларни ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш
- Гуманитар фанларни ўқитишда мультимедиа тақдимотларини яратишнинг методик асослари
- Гуманитар фанларни ўқитишда электрон дарсликлар яратишнинг методик асослари
- Гуманитар фанлардан электрон ўқув-методик мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
- Гуманитар фанларни ўқитишда чет эл тажрибасини ўрганиш ва тадбиқ этиш
- Гуманитар фанларни ўқитишда интернет тармоғидан фойдаланиш
- Гуманитар фанларни ўқитишда талабалар билимини назорат қилиш ишчи дафтарларини яратиш
- Гуманитар фанларни ўқитишда маъруза, амалий машғулотларини ташкил этишнинг методик асослари
- Гуманитар фанларни ўқитишда талабалар билимини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари
- Гуманитар фан ўқитувчиларининг компетентлигини шакллантириш.

### **Дастурнинг информацион-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- модулларнинг барча маърузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш—давр талаби, 5-жилд.— Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1998.

3. И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
7. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
9. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажакги йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
10. И.А.Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
11. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон». –Т.: 2011.-440 б.
12. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
13. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
17. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
18. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
19. Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зиминова И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.
20. Воронин Г.Л. Конфликты в школе.// Социологические исследования, 1994. - № 3
21. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.
22. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003 – 670 с.
23. Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996. 218 с.

24. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. «Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок». МВССО. Т.,2002. 98 с.
25. Сатторов. А. «Информатика ва ахборот технологиялари». - Академик лицей ва касб – ҳунар коллежлар учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2002 й. 325 б.
26. Саттаров И., Б.Ғ.Қодиров, У.Ш.Бегимкулов. «Компютерда лаборатория ишлари». Т. ТДПУ нашриёти. 2002 й. 143 б.
27. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006 й. 163 б.
28. Умумий психология. - А.В. Петровский таҳрири остида - Т.: Ўқитувчи, 1992 й. 329 б.
29. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000 й. 122 б.
30. Холмуродов Р.И., М.Ғ, Лутфуллаев. «Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш», Т.,ЎЗРФА «Фан», 2003 й. 176 б.
31. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. 221 с.
32. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. – Саратов, 1994 г. 236 с.
33. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008 г. 92 с.
34. Юлдашев У.Ю.Боқиев Р.Р. Зокирова Ф.М.Информатика-Т.,2002й.163 б.
- 35.Мирзаев М. Йиртилаётган никоб. // «Тафаккур». 2000. 4-сон. 31-36 бетлар.
- 36.Глобальные тенденции развития человечества до 2015 года. «У-Фактория». Екатеринбург. 2002. -119 с.
- 37.Иванов И. Россия в современном мире. Ответы на вызовы XXI века. М.: 2004.
- 38.Мир на рубеже тысячелетий (прогноз развития мировой экономики до 2015 г.). – М.: Издательский Дом «НОВЫЙ ВЕК». 2001. - 592 с.
- 39.Кортунов С.В. Диалектика национальной и международной безопасности: некоторые методологические проблемы. // «ПОЛИС». 2009. № 1.С.118-129.
- 40.Гиясов Б., Камилджанов А., Мустапова Х. Международные отношения и дипломатия на современном этапе.Т.: «Kuro-print». 2009. -318 с.
- 41.Поцелуев С.П. Власть как диалог или диалог безвласти? К актуальным аспектам политической философии. // «ПОЛИС». 2010. № 1.С.70-81.
- 42.К.Шониёзов Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни -Т.: Фан, 2001. 64-98 бетлар.
- 43.Қ. Усмонов, М. Содиков.С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. –Т.: Иқтисод-молия, 2006.
- 44.А.Иброхимов. Биз ким, ўзбеклар ... -Т.: Шарқ, 2000, 55-66 бетлар.
- 45.Муртазаева Р.Х. История Узбекистана. Учебник. -Т.: 2005.
- 46.Қ.Усмонов, М.Содиков, С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. –Т.: Иқтисод-молия, 2006.

47. Қ. Усмонов, М. Содиқов, Н. Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. –Т.: Мерос, 2002, 171-194 бетлар.
48. Қ. Усмонов, М. Содиқов. С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. –Т.: Иқтисод-молия, 2006.
49. Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи -Т.: Шарқ, 2000. 151-171 бетлар.
50. Ахмадшоева М, Нажимов М. Ҳуқуқ нима? -Т. ТДЮИ, 2003.-356.
51. Ахмадшоева М. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари / Давлат ва ҳуқуқ журналі. № 2 (18). 2004. -4-6 с.
52. Ҳ.Б.Бобоев. Ҳ.Т.Одилқориев.-Т.:Иқтисодиёт ва шуқуқ дунёси 2000.-528 б.
53. 4.Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимои вазифаси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2004. -138 б.
54. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Тошкент: ТДЮИ, 2002, 7 б.
55. Одилқориев Х.Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т.;Шарқ, 2002.-320 б.
56. Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ назарияси таъриф ва чизмаларда: Ўқув қўлланма - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.

#### **Интернет маълумотларн:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Ахборот-коммуникатсия технологиялари изохли lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журналі: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. <http://www.uforum.uz/>
9. Ахборот resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
12. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
13. [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)
14. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
15. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)